ТАЪЛИМДА ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТНИ ГУРУҲЛИ ЛОЙИҲАЛАШ

К.Турғунбоев, З.Азимова, Ф.Комилова

Мақолада инновацион фаолият субъектлари – бошқарувчи, педагог, ўқувчининг бу жараёнда ўз тутган ўрнини англашини таъминлаш мақсадида гуруҳли лойиҳалашнинг барча босқичларида уларнинг хусусий қарашларини бирлаштириш орқали бошқарув методологиясини белгилашга ҳаракат қилинди.

Калит сўзлар: *инновацион фаолият, гуруҳли лойиҳалаш, ташқи бошқарув, фикран таҳлил, фаза, лойиҳали сессия, гуманитар экспертиза.*

В статье предпринята попытка определения методологии управления на всех этапах группового проектирования путем объединения частных взглядов субъектов инновационной деятельности – администратора, педагога и учащегося, с целью осознания ими своего места в данном процессе

Ключевые слова: *инновационная деятельность, групповое проектирование, внешнее управление, мысленный анализ, фаза, проектная сессия, гуманитарная экспертиза.*

By joining different approaches of subjects of innovation activities- administrators, teacher, and the students with the purpose of assuring them to understand his role in this process the author tries to define the methodology of guidelines in different stages of group projecting .

Key words: *innovation activities, group projecting, mind analysis, phase, project session, humanitarian expert.*

Жамиятимизда иқтисодий-ижтимоий, сиёсий, маданий соҳаларда бўлаётган ўзгаришлар мамлакатимизнинг келажакдаги интеллектуал имкониятларини белгилаб берувчи ва уни ривожлантиришнинг асосий шарти ҳисобланган таълим тизимига кўп жиҳатдан боғлиқ. Шу билан бирга интеллектуал салоҳиятнинг ўсиши, уни сифат жиҳатдан ривожлантириш таълим самарадорлигининг ошиши, шу соҳадаги тизим такомиллашувига таъсир ўтказибгина қолмай, балки мазкур ижтимоий тизимнинг барча соҳалари ўсишига ҳам сезиларли таъсир этади. Шунинг учун ҳам бугунги кунда таълимдаги стратегик йўналишлардан бири – таълим муассасаларининг инновацион фаолиятини лойиҳалаш асосий омил сифатида белгилаб бериляпти. Таълим тизимини ислоҳ қилиш заруратини тушуниб етиш амалиётда таълим муассасаларини инновацион жараёнларга жалб этиш, ўзини инновацион майдонда кўриш ва, энг муҳими, келажакда яратилган лойиҳа асосида аниқ янгиликларни ўзлаштиришдан иборат.

Охирги йилларда таълим соҳасида инновацияларни лойиҳалаш муаммолари билан шуғуллана бориб, турли инновациялар оммавий амалиёт билан учрашиб, қўлланилмай қолиб кетаётганига гувоҳ бўлмоқдамиз. Бундай “учрашув”нинг содир бўлмаслиги сабабларидан бири инновацион фаолиятда педагогда субъективлик (манфаатли, ижтимоий, ижодийлик)нинг етишмаслиги, натижага эришолмаслик, яъни ўзининг аниқ мақсади ва усулларининг йўқлигида экани маълум бўлмоқда. Бу каби камчиликларни бартараф этиш учун ҳар бир педагог ўз инновацион лойиҳасини ишлаб чиқиши ва амалга ошириши муҳимдир. Бунда асосий эътиборни айрим ўқув предметининг мазмунини лойиҳалашга эмас, балки таълимий жараённи яхлит тарзда лойиҳалашга қаратиш, яъни ўқув предметига касбий нуқтаи назардан эмас, бошқарув нуқтаи назаридан ёндашув талаб этиладики, бу ўз навбатида таълим тузилиши тўғрисида тизимли тасаввур ҳосил қилиш имконини беради. Шунингдек, таълим муассасаси ривожланишининг аниқ хусусий мақсадини шакллантириш билан бирга, лойиҳанинг ҳар бир қисмини амалга оширишда айни қисмларнинг турли бошқарувларда тутган ўрни ўртасида бирлаштирув алоқаларини йўлга қўйиш ҳамда индивидуал лойиҳалашдан гуруҳли лойиҳалашга ўтиш мумкин бўлади.

Ушбу мақолада инновацион фаолият субъектлари – бошқарувчи, педагог, ўқувчининг бу жараёнда ўз тутган ўрнини англашини таъминлаш мақсадида гуруҳли лойиҳалашнинг барча босқичларида уларнинг хусусий қарашларини бирлаштириш орқали бошқарув методологиясини белгилашга ҳаракат қилинди.

Маълумки, педагог ўз касбий фаолиятида ривожланишга ҳаракат қила бориб, ўзидаги шахсий-фаолиятли нуқтаи назарни белгилаб, ривожланишга ҳаракат қилади. Бу ўз навбатида педагогнинг ўзини ўзи ривожлантиришга, ўзини ўзи такомиллаштиришга, ўзини ўзи англашга, ўзини ўзи бошқаришга, ўзини ўзи ташкил этишга, ўзини ўзи назорат қилишга, ўзини ўзи баҳолашга, ўзини ўзи ривожлантиришга, ўзини ўзи ўқитишга, ўзини ўзи тарбиялашга, ўзини ўзи ижодий ривожлантиришга, ўзини ўзи ижодий ўқитишга, ўзини ўзи ижодий

жлантириб боради. Инновацион фаолият нафақат объект фаолиятини ўзгартиришига қодир, балки унинг фаолиятини қайта дастурлаштиришга, шунингдек, ўзини субъект сифатида қайта қуришга асос бўлиб хизмат қилади. Объектнинг турли томонлари билан ўзаро таъсир жараёнлари моҳият, тузилмавий кўринишлар, муносабатлар, мақсадга эришилганидан кейинги ўзгаришлар субъектда бир қатор ноаниқ ҳолатларни юзага келтиради. Чунки объектнинг янги ўзаро алоқалари ўзи учун ҳам янги вазиятли ҳолатларни келтириб чиқаради.

Ушбу ҳолатда ўзида мавжуд тафаккур имкониятларидан фойдаланилади. Мазкур имконият ҳақиқий объектив ҳолатни таҳлил қилиш, унинг муаммо эканлигини белгилаш ва уни ҳал қилишнинг ўзига хос имкониятларини кўрсатади.

Ўқитувчилар томонидан гуруҳли лойиҳалаш, уларнинг бошқарувда тутган йўлини бирлаштириш қуйидаги босқичларда амалга оширилади.

1. Педагогларни предметли-касбий позициядан бошқарув позициясига алмаштиришни ташкил қилувчи ишчи гуруҳни шакллантириш;

2. Турли нуқтаи назардан қарашларни бошқарув йўлидаги ҳолатларга кўчириш; ишчи гуруҳлардан лойиҳалаш командасига ўтказиш.

3. Долзарб муаммоларни кўришни бирлаштириш; лойиҳали кўрсатмалардан қимматли-маданий ҳамжамиятларга ўтиш.

4. Лойиҳалаш субъектларининг ўз-ўзини аниқлашдан қимматли-маъноли бирлаштиришга, қимматли-маданий ҳамжамиятдан ташқи маданий алоқаларга ўтиш.

5. Лойиҳалаш субъектларининг ўз-ўзини аниқлашда ғоя ва маданий-меъёрий фикрлашга ўтиш; ўзининг қимматли-маданий ҳамжамиятини яратиш.

6. Ташкилий-касбий фикр ёки нуқтаи назарларни бирлаштириш; ўзига хос шахсий лойиҳали команда (гуруҳ)ни яратиш.

7. Ташқи бошқарув нуқтаи назарлари билан алоқалар ўрнатиш. Хусусий ишчи гуруҳини яратиш.

Гуруҳли лойиҳалашнинг юқоридаги учта босқичида педагоглар ўзларидан ташқаридаги восита ва мақсадларни ўзлаштирадилар. Тўртинчи босқичда янгиликнинг назарий асослари билан ўзидаги ўзлаштирилган амалий жиҳатларни таққослаш жараёнида чегара аниқланади ва янгиликдан фойдаланишнинг янги имкониятлари белгилаб олинади. Бу эса педагоглар учун ўзининг лойиҳасини ишлаб чиқиш ҳамда ғояларни таълим амалиётига қўллашда ҳаммуаллиф бўлишга имконият яратади.

Кейинги уч босқичда инновацион лойиҳани амалга оширишга имкон берувчи бошқарув фаолиятининг мақсад ва воситалари ишлаб чиқилади. Шунга кўра, комплекс инновацион ўзгаришлар шароитида ўқитувчиларнинг хусусий, шахсий инновацион фаолияти учун гуруҳли лойиҳалашни таъминловчи услубий шакллар ишлаб чиқилади.

1. Индивид ўз онгида содир бўлаётган ҳодисалар устида фикрлаш жараёнини аниқловчи ёки рефлексив-лойиҳали устахона. Ушбу устахона унинг иштирокчилари томонидан қатъий хулоса чиқарувчи эксперт сифатида педагог маъсулиятини белгиловчи чегарани ва ривожланиш манбаларини аниқлаш имконини беради. Рефлексив-лойиҳали устахонада биргаликдаги фаолият ва жонли диалог орқали педагог-мастернинг ўзлаштириш, ўрганиш имкони бўлади.

Педагогларнинг биргаликдаги фаолияти лойиҳа режимида бир қатор комплекс вазифалар ҳал этилади:

- ўз-ўзини фаолиятли, муаммоли аниқлашни долзарблаштириш;

- рефлексив қобилиятни ривожлантириш;

- лойиҳаларга очиқ, тузилмавий нуқтаи назардан танқидий муносабатни юзага келтириш;

- турли вариантдаги муаммоларни ҳал этиш йўлларини тажрибаларда синаб кўришни назарда тутади.

Бундай тизимни амалга оширишнинг асосий қоидаси жонли, аниқ ҳолатни англаб етишдан иборат.

2. Дастлабки (бирламчи) мақсадларни келишиб олиш учун зарур бўлган таълимий фаолиятни ривожлантириш гуруҳига педагогларни бирлаштиришга имкон берувчи жамоанинг тутган ўрнини таҳлил этиш. Фикран таҳлил – шахснинг ўз фаолиятига нисбатан бўлган нуқтаи назарини аниқлашдан иборат.

Бундай таҳлил ўз позициясини аниқлаш, кучли ва кучсиз томонларини, ўзгартириш имкониятларини, лойиҳа доирасида фикрларни бирлаштириш усулларини излаб топишдан иборат.

Ушбу таҳлилнинг кейинги босқичи таклиф этилган муаммони муҳокама этувчи муаммоли гуруҳнинг иши ҳисобланади. Билдирилган фикрнинг маъсулияти муҳокама қилинаётган муаммо ечимида иштирокчи ўзининг ҳатти-ҳаракатини олдиндан режалаштира олишига эътиборни қаратишидадир.

Гуруҳдаги фикран таҳлилда иштирокчиларнинг алоҳида ёндашуви муаммони ҳал қилиш йўлидаги ўзига хослик ҳисобланади. Агар гуруҳ иштирокчиси муаммо устида ўзига хос тузилма ва маъсулият билан ишлаган бўлсаю, бироқ муаммо муҳокамасида гуруҳнинг бошқа аъзолари иштирок этмаса, унинг ечимида айни иштирокчи якка бўлиб қолиши мумкин ва бу ҳолат гуруҳ фаолияти самарадорлигининг сезиларли даражада пасайи-

шига олиб келади. Шунинг учун ҳам муаммо ечимида иштирок этувчилар ўртасида узвий алоқаларни йўлга қўювчи ташкилотчи керак.

Фикран таҳлилнинг охирги ва якунловчи босқичини ўтказишнинг асосий шарти – эркин, тартибга солинмаган, ўз далилларини, муносабатларини айта олиш, ўз ҳаракатларини ва бошқаларнинг фикрларини таҳлил қилишдан иборат.

Билдирилган фикрлар муҳокамаси семинар қатнашчиларига бошқаларнинг сўзлари ва ишларидаги ҳақиқий нуқтаи назарни кўришга имкон яратади. Иштирокчилар ўртасидаги турли қарашлар ва муносабатларни қайд этиш (қарама-қаршиликлардан бирлашишга эришиш имкониятларигача) лойиҳалашнинг муҳим босқичи бўлиб, нуқтаи назарларни бирлаштириш, тизимда фикр хилма-хиллигининг юзага келишига асос бўлади.

Ушбу таҳлил (ҳолатнинг фикран таҳлили) тавсия этилаётган янгиликни жорий этишда педагогик жамоанинг уюшганлиги, ишчанлиги, билимдонлигини кўрсатувчи зарурий ва самарали воситадир. Мазкур ҳолат тавсия этилаётган янгиликда учта асосий нуқтаи назарни ажратиб кўрсатишга имкон беради: ташаббускор, мослашувчи-маъмурий ва ўхшаш нуқтаи назарлар.

3. Маданий-меъёрий воситаларни келишиб олиш билан якунланадиган таълимий фаолият меъёрларига алоқадор педагогларнинг ҳаракат усулларини муаммоли ташкил этишга ёрдам берувчи лойиҳали сессия.

Лойиҳали сессия 3-5 кун давом этувчи тадбир ҳисобланиб, у иштирокчиларни лойиҳаларни ишлаб чиқиш, қатъий хулоса қилиш ва қайта ишлашга йўналтирилгандир.

Ҳар куни лойиҳали сессия ўзининг мавзусига эга бўлиб қуйидаги тартиб бўйича тузилади:

1) гуруҳда ишлаш ва кун мавзуси бўйича ахборот тайёрлаш;

2) гуруҳнинг умумий йиғилиши, мунозаралар ўтказиб, муаммолар ва позицияларни аниқлаш;

3) кун натижаларини қайд этиш, кейинги кун мавзуси ва дастурини ишлаб чиқиш учун рефлексия (шахсий, гуруҳли, умумий ва семинар ташкилотчилари) зарур.

Гуруҳ фаолияти муаммони шахсан кўра олиш ва эркин танлаш асосида ташкил этилади.

Лойиҳали сессия ўзининг дастлабки босқичида педагогларга ўзларининг шахсий фаолиятидаги муаммоларни кўра олишни таклиф этади. Ҳар бир иштирокчи ўз фаолияти билан боғлиқ бўлган исталган муаммони айтиши мумкин. Ҳар томонлама муҳокамадан сўнг, ташаббускор томонидан муаммонинг қўйилиши ва уни ҳал қилиш бўйича қимматли фикрлар аниқланади.

Ушбу сессиянинг иккинчи даврида қайд этилган фикрлар бошқа иштирокчиларнинг фикрлари билан таққосланади. Мазкур ҳолат турли қарашлар ўртасида махсус ташкил этилган ва ўзўзидан юзага келган зиддиятлар тарзида намоён бўлади. Бунга нуқтаи назарларнинг тўқнашуви сифатида қараш мумкин. Бу эса ҳар бир сессия иштирокчисининг қўйилган муаммони ҳал қилиш учун нимага қодирлигини аниқлаш учун ҳам аҳамиятлидир. Иккинчи ҳолат қўйилган муаммони ҳал қилиш мажбуриятини ўзига оладиган ва унинг ечимига маълум ғояларни таклиф этадиган одамлар пайдо бўлганда тугалланади.

Учинчи вазият билдирилган қимматли фикрларни фаолиятда амалга ошириш йўлида муносабатларни қайта қуриш ва лойиҳалашдан иборат. Бу эса фаолиятли кооператив алоқаларни йўлга қўйишда намоён бўлади. Лойиҳалаш сессиясининг учинчи ҳолатига етиб келган кишилар ўз шахсий фаолиятининг ташкилотчисига айланади.

Тўртинчи ҳолат – ишлаб чиқилган лойиҳани ижтимоий-маданий бўлимга “ёзиб қўйиш”, ташқи бошқарув ҳолатида қатъий хулоса чиқарувчи эксперт қарори асосида лойиҳага зарур тузатишлар киритишдан иборат.

4. Шарҳлаш-тушунтириб беришларни ташкил қилишга имкон берувчи инновацион ҳолатларни, лойиҳали ўқишни йўлга қўйиш. Бунинг натижасида турли фикрлар пайдо бўлади ва кейинча уларни бирлаштириб лойиҳали ўқишни ташкил этиш мумкин. Лойиҳали ўқиш лойиҳалаш жараёнида шахсий нуқтаи назарни долзарблаштириш воситаси бўлиб хизмат қилади.

Сессия давомидаги фаолиятнинг асосий кўринишлари:

1. Матнни шарҳлаб, изоҳлаб талқин қилиш.

2. Мактаб ўқитувчилари командасининг лойиҳа ишларини ташкил этиш ва сессияни ўтказиш жараёнида улар тузган матларни уч жиҳатдан таҳлил қилиш мумкин:

Биринчи – тавсия этилаётган матнни шахсий фикр нуқтаи назаридан ажратиб кўрсатиш (муаллифлик нуқтаи назаридан);

Иккинчи – матнни ўзининг вариантида, ўз маъноси билан изоҳлаш;

Учинчи – матнда илгари сурилган фикрни мантиқий (идеал ҳолатда) ва ижтимоий (фаолиятли) кўринишда тасдиқлаш.

Хаммуаллиф нафақат матнни маданий жиҳатдан, балки педагогнинг биргаликдаги инновацион лойиҳали фаолияти нуқтаи назаридан ҳам тушуниши зарур.

5. Фалсафий-методологик семинар. Бунда рефлексив режада лойиҳанинг тузилмавий ва

мазмуний жиҳатларига эътибор қаратилади, янги ғоялар пайдо бўлади ва келишилади:

- семинарнинг мақсади гуманитар лойиҳалаш назариясини ишлаб чиқиш, гуманитар лойиҳалаш билан боғлиқ қарашлар шахс ҳолатини таҳлил этиш, муаммолаштириш, англаш, ўзини англаш, ўз фикрни баён қилиш, ўзаро таъсир, фаолият ва тафаккур каби тушунчаларни аниқлаш;

- педагог касбий нуқтаи назарини аниқлаш ва ривожлантириш;

- шахсий лойиҳага нисбатан фикрини баён қилиш ва билдирилган ғояларни ривожлантириш.

Семинар қуйидаги тартиб бўйича тузилади:

- лойиҳа муаллифининг маърузаси ва ушбу маърузанинг муҳокамаси, унинг қиймати, муаллиф қарашидаги назарий масалалар, муаллиф нуқтаи назари ижтимоий, маданий, шахсий ва фаолиятли кўринишларда асослаб берилади;

- маданий муҳокама қилиш билан биргаликда, семинар иштирокчилари таҳлил қилиш, муаммони ва у ҳақдаги ўз фикрини шакллантириш, ўз фикри ва ҳаракати учун маъсулиятни ҳис этишни ўрганади.

Ушбу жараёнда иштирок эта бориб ўз олдига мақсад қўйиш, муаммоларни белгилаш, “муаммо”, “ғоя”, “ташкил этиш”, “амалга ошириш” каби тушунчаларни касбий фаолиятда қўллаш, ўз онгида содир бўлаётган фикрлаш жараёнлари устида ишлаш қобилиятлари шаклланади.

6. Лойиҳали-ташаббускор дастурни ишлаб чиқиш учун бир қатор ташкилий семинарларни амалга ошириш.

Маълум босқичлар босиб ўтилгандан кейин, янги фаол педагоглар гуруҳи шаклланади. Улар кейинги босқичда ўзларининг шахсий касбий мақсадларини қўя оладилар.

Кейинги вазифа уларнинг фаоллигини маданий кўринишга олиб чиқишдан иборат. Бунинг учун ҳар бир лойиҳа муаллифи қайси маданий анъанага тушиб қолаётгани аниқлаб олинади. Бу анъанада таниш бўлмаган ҳамжамиятнинг аъзоси сифатида уни англаб етиш ва бу ҳамжамиятнинг қимматли томонларини аниқлаб олишга ва маъсулиятни ҳис этишга ҳаракат қилади.

Ташкилий семинарлар иши фалсафий-методологик ёки илмий-назарий семинар меъёрларига таянади: муаллиф маърузасига унинг шахсий позициясини кўрсатувчи маъруза сифатида қараб, маъруза юзасидан саволлар ҳамда танқидий фикрлар билдирилади. Ушбу ишнинг натижаси лойиҳа муаллифларининг маданий-қимматли ва таниш бўлмаган ҳамжамиятга “кириш”и бўлиб, уларнинг кейинчалик муайян маданий анъаналарнинг ҳаммуаллифлари бўлиб қолиши билан якунланади.

7. Ишлаб чиқилган лойиҳанинг гуманитар эспертизаси. Бунда ички ва ташқи бошқарув позицияси асосида келишиб олинади.

Инновацион фаолиятнинг иштирокчиси қаршисида пайдо бўлувчи у ёки бу вазиятнинг ижтимоий-маданий маъносини аниқлаш ижтимоий характер касб этувчи мақсаддир.

Гуманитар экспертиза ўзига хос тадқиқот бўлиб, бунда педагог-амалиётчи ўз инновацион лойиҳасининг ташаббускори ва кейинги босқичларидаги асосий ҳимоячиси бўлиб қолади. Бу эса инновацион педагогик лойиҳанинг якунловчи босқичида ушбу лойиҳани тизимли ташхислаш орқали позицион, мазмунли, ташкилий, бошқарув ва меъёрий-ҳуқуқий ёндашувда ҳал этиш мақсадида керак бўлади.

Экспертизанинг бош механизми уни амалга ошириш воситалари ва шартлари билан ташаббускорлар таклифларининг ўзаро мувофиқлашуви ҳисобланади.

Лойиҳанинг муаллифи қуйидаги саволларга жавоб бериши зарур:

1. Қайси таълимий муаммо инновацияга асос бўлади?

2. Қўйилган муаммонинг ечимида қандай воситалардан фойдаланилади?

3. Ўзгаришлар кўлами қандай?

4. Охирги ва оралиқ режалаштирилган натижалар, ўлчаш мезонлари, таъминлаш тизимининг муддати, зарурий тизимлари нималардан иборат?

Ушбу мақолада тавсия этилган тизим-тузилма инновацион лойиҳани амалга оширишдаги босқичлар ва уларда илгари сурилган методик таъминлаш шакллари функционал характер касб этади ва амалий жиҳатдан хусусий ёндашув аҳамиятига эга. Ҳақиқий инновацион таълимий амалиётда юқоридаги тизимлилик, изчиллик бузилиши мумкин, бу ҳолат ўзига хос ижтимоий педагогик вазиятга боғлиқ.

Адабиётлар:

1. Президент И.А.Каримовнинг “Юксак билимга эга ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш – мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарти” мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимида сўзлаган нутқи. / “Халқ сўзи”.- 2012.- 18 февраль.

2. Краснов С.И., Каменский Р.Г. Теоретические основания системы обучения инновационному проектированию.// Педагогика.- 2013.- №2.

3. Натанзон Э.Ш. Приемы педагогического воздействия.- М., 2002.

4. Ишмуҳаммедов Р.Ж. ва б. Тарбияда инновацион технологиялар.- Т., 2010.

5. Мавлянова Р.А. Бошланғич таълимда инновация.- Т., 2007.

Андижон давлат университети
2014 йил 23 июнда қабул қилинган
(Тақризчи: п.ф.д. Ш.Юсупова)